

НЕГА САЙЛОВЧИ «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ПАРТИЯСИ НОМЗОДЛАРИ УЧУН ОВОЗ БЕРИШИ КЕРАК?

Бугунги туб ислохотлар даврида сиёсий партиялар зиммасига жуда катта вазифалар юклатилаётгани бежиз эмас.

Бу, шубҳасиз, барча соҳа ва тизимлардаги янгиликлар ва ўзгаришлар зарурати ҳамда олдимизда турган сиёсий имтиҳон билан боғлиқдир. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам бўлажак сайловга жиддий тайёргарлик кўрди.

Биринчидан, партиянинг сайлов олди дастури сайловчиларимизнинг талаб ва истаклари асосида ишлаб чиқилди. Сайловлар оралигида йўл кўйилган хато ва камчиликлар чуқур таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилди. Асосий эътибор янги парламент олдида турган долзарб муаммо ва масалалар ечимига қаратилди. Уларни ҳал этиш учун эса 30 га яқин янги қонун лойиҳалари тайёрланяпти, амалдаги қонунлар, Фармон, қарор ва давлат

дастурлари ижросини қатъий назорат қилиш механизмлари қайта кўриб чиқилляпти.

Олдинги сайловлардан фарқи равишда бу гал ҳар бир ҳудуд бўйича ҳам дастурлар тайёрландик. Уларда, асосан, амалдаги депутатларимизнинг таклиф ва хулосаларини инобатга олдик.

Партияимизнинг асосий мақсади, бир неча бор эълон қилганимиздек, юртдошларимизнинг реал ҳаётга бўлган қарашини ўзгартиришга эришишидир. Бунда, энг аввало, узлуксиз тарбия тизимини яратиш, жиддий ислохотга муҳтож бўлиб қолаётган таълим тизимида фарзандларимиз учун билимли, фидойи, ўз касбини том маънода қадрлайдиган, энг муҳими, меҳнати муносиб равишда рағбатлантирилган педагоглар ишлаши учун шароит яратиш, она тилимиз софлигини сўзда эмас, амалда таъминлаш учун «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг янги тахририни қабул қилиб, унинг ижросини қатъий назоратга олишга алоҳида эътибор қаратилади.



VATANDOSHLARIMIZ
MANFAATINI
HIMOYA QILAMIZ!
JAMIY
JIPSLASH



Парламентни чин маънодаги «халқ уйи»га айлантириш учун курашамиз

Мана, уч йилдики, давлатимиз раҳбари номига келаётган шикоят ва аризалар тинмапди. Яқиндан бошлаб бундай муносабатлар Бош вазир қабулхоналарига ҳам йўллана бошлади.

Партияимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётда парламент ўрнини кучайтириш, фуқароларнинг депутатларга бўлган ишончини қозониш муҳим, деб ҳисоблайди ва парламентни чин маънодаги «халқ уйи»га айлантириш учун курашади.

Биз, шунингдек, хориждаги ватандошларимиз учун номигагина қайғуриш одатидан батамом воз кечилиши, Ўзбекистон фарзанди қаерда ўқиши, ишлашидан қатъи назар, унинг ҳуқуқлари қатъий ҳимоя қилиниши лозим, деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун эса қисқа вақт ичида тегишли қонун лойиҳасини парламент кўйи палатасига киритмоқчимиз.

Бундан ташқари, тадбиркорликни ривожлантириш ва ушбу қатламни амалда қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ амнистияси эълон қилиниши зарур, деб биламиз. Ҳеч кимга сир эмас, бугунги янгиликларга ишониб, очик, шаффоф фаолият олиб бораётган юзлаб тадбиркорларимиз яқин ўтмишидаги хатолари туфайли миллиард-миллиард жарималар тўлашяпти. Бу масала айнан тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиши лозим бўлган партияларни ўйлантирмапти негадир. Биз тиббиёт тизимидаги ислохотларга тўғаноқ бўлаётган асосий муаммони ҳам ижобий ҳал қилиш йўлини таклиф этаймиз. Бу беморларнинг ўз вақтида даволашиларига, шифокорларнинг эса меҳнатига муносиб ҳақ олишларига имконият яратадиган йўл — тиббий суғурта тизимини яратишдир.

Шу ўринда узоқ йиллар оила



институтига юзаки эътибор қаратилгани оғир оқибатларга олиб келгани ҳам тан олишимиз керак. Айниқса, ёш оилалардаги ахралишлар сони йилдан-йилга ортиб бораётгани ниҳоятда ачинарли ҳолдир. Бунинг олдини олиш учун эса аёллар иш вақтини камайтириш ва ойлик маошларини ошириш ташаббусини илгартириш керак.

Режаларимиз қоғозда қолиб кетаётгани йўқ

Маълумки, партияимиз 2014 йилги сайловда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, суд-ҳуқуқ, иқтисодий-ижтимоий, ахборот таъминоти ва ташқи сиёсат соҳаларида бир қатор вазифаларни амалга оширишни ўз зиммасига олган эди.

Улар ижроси юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди, албатта. Жумладан, партия сайлов олди платформасида белгиланган «мавжуд маданий ёдгорликларни, Ўзбекистон шаҳарларининг тарихий қиёфасини сақлаб қолишда самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, тарихий жойлар, меъморий ёдгорликларни бутун инсоният учун қимматли осоратиқалар сифатида асраб-авайлаш ва қайта таъмирлаш» юзасидан маданий мерос объектларининг реал ҳолати ўрганилди.

Уларни сақлаш, ҳимоя ва инвентаризация қилиш, мулк ва эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи кадастр ҳужжатлари тайёрланди ва рўйхатдан

ўтказиш каби масалаларни ҳал қилиш бўйича ўрганиш натижалари тегишли идораларга тақдим этилди.

Шу ўринда Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат асосида жами 7 577 та моддий маданий мерос объекти ўрганилганини таъкидлаш жоиз. Ўрганиш жараёнида 827 та объект буткул йўқ бўлиб кетгани, 6 750 объект сақланиб қолингани аниқланди. 310 та янги моддий маданий мерос объекти эса давлат рўйхатига киритиш учун тавсия этилди.

Ўрганишлар натижасида 2018 йилнинг 19 декабрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида маданият вазирлиги Сайфуллаевнинг «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун ижроси ҳақида»ги ахбороти эши-

ди. «Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонунга эса жиддий ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бизнинг ташаббусимиз билан...

Мамлакатимизда алоҳида шароитларда тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар (Самарқанд шаҳрида 11 ёшдан 14 ёшгача ўғил болалар учун, Бахт шаҳрида 14 ёшдан 18 ёшгача ўғил болалар учун, Чиноз ҳамда Кўкчилик шаҳарларидаги қиз болалар учун ихтисослаштирилган ўқув тарбия муассасаларида) вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳолатини атрофлича ўргандик.

ни тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ўтган беш йилликдаги фаолиятимиз билан мақтана оламизми?

Афсуски, бир қатор лойиҳаларимиз, хусусан, гиламчилик музейини ташкил этиш, хунармандчиликни ривожлантириш марказлари фаолиятини йўлга қўйиш, «Yosh tadbirkorlar» қоворкин-марказлари ҳамда «Yoshlar mehnat guzari» комплекслари фаолиятини ўрганиш юзасидан олиб борилган ўрганишларимиз ўз натижасини бермади.

Кўриб турганимиздек, ўтган беш йилликдаги фаолиятимиз билан мақтана оламизми. Партияимиз позициясини белгилайдиган,

қонун лойиҳасидан 19 тасида, 2019 йилда 17 та қонун лойиҳасидан 10 тасида фракцияимиз аъзолари фаол қатнашди.

Ҳисобот даврида бевосита партия фракцияси ташаббуси билан ҳам бир қанча парламент назорати доирасида тадбирлар амалга оширилди.

Фракция ташаббуси билан кўмиталарда 2015 йилда 2 та, 2016 йилда 3 та, 2017 йилда 1, 2018 йилда 2 та, 2019 йилда 1 парламент ва фракция эшитувлари ташкил этилди.

Фракция томонидан парламент сўровлари ҳам юборилди. 2017 йил 30 ноябрда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисига «Туризм тўғрисида»ги Қонун ижроси юзасидан парламент сўрови юборилди. Унга келган жавоб юзасидан 29 декабрда Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида қарор қабул қилинди.

2019 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Абдуҳакимовга «Баркамол авлод» болалар бадий ижодиёт марказлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» парламент сўрови юборилди ва унинг жавоби юзасидан Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида қарор қабул қилинди.

Аммо шундан тан олишимиз керакки, бугунги сайловчинин бундай рақамлар, ҳисоботлар қизиқтираётгани йўқ. Бундан буён янги парламентда биз учун гўё эртага сайлов бўладигандек фаолият юритишимизни шиддаткор давримиз, сайловчиларимиз талаб қилляпти.

Очик айтишимиз керакки, қачон биз сайловчи манфаатидан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқат олдида долзарб масалаларни кўйдик? Қачон вазирлар, давлат қўмиталари раҳбарларини сайловчи талабидан келиб чиққан ҳолда, уйғоқликка қақирдик?

Дунёда рўй бераётган ўзгаришлар, манфаатлар тўқнашуви натижасида содир бўлаётган қарама-қаршиликлар, маънавий-маърифий дунё сахнасида кузатилаётган тўқнашлар сайловчи ишончи оддий ишонч эмаслигини аниқлаб турибди. Меҳнат мигрантлари масаласи, аёллар, ёшлар борасидаги муаммолар эса инсонни ўзгартирмай туриб, жамиятни ўзгартириб бўлмайди, деган гоё бежиз илгари сурилмаётганини кўрсатаяпти.

Азиз юртдошлар!
Шу Ватан, фидойи ва меҳнатқаш халқимиз фаровонлиги йўлида ҳар қанча меҳнат қилсак оз.
Юрт тинчлигига ҳисса қўйиш, фаровонликни таъминлашда жон фидо қилиш, Ватанимиз тараққийоти барқарорлаштириш жараёнида фаол иштирок этиш, бу «Миллий тикланиш» партиясининг асосий вазифасидир.

Шунинг учун ҳам партияимиз бу галги сайловга «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари!», «Бирмиз! Қўлни қўлга берамиз!» шiori билан кириб келди. Келинг азизлар, муқаддас Ватанимиз равнақи йўлида чиндан ҳам қўлни қўлга берайлик!

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси номзодларига овоз беринг!

Алишер ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши раиси.



тилиб, Қонунчилик палатасининг тегишли қарори қабул қилинди.

2018 йил 19 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Моддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилин-

ди. Ушбу тадбир Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 268-сонли «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари тўғрисидаги низомиларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, махсус саволнома асосида ташкил этилди. Бундан ташқари, коллеж тарбияланувчилари ижтимоий кайфиятини тадқиқ этиш мақсадида ижтимоий сўровнома ўтказилиб, натижалар Президент Администрациясига юборилди.

Шундан кейин жорий йилнинг 29 май кунин Президентимизнинг «Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори имзоланди.

«Ёшларнинг маънавий жиҳатдан юксалишига қўмақлашадиган маънавий-маърифий марказларни ташкил этиш ва улар фаолиятини ривожлантириш» вазифасидан келиб чиқиб, мамлакатимиздаги мавжуд 210 та «Баркамол авлод» болалар бадий ижодиёт маркази (ҳозирги «Баркамол авлод» болалар мактаби) фаолияти чуқур таҳлил қилинди.

Аниқланган камчиликлар, таҳлиллар ва партия таклифлари Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Шундан кейин 2019 йил 30 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самардорлиги-

✓ «Миллий тикланиш» демократик партияси томонидан янги парламент олдида турган долзарб муаммо ва масалалар ечимига қаратилган 30 га яқин янги қонун лойиҳалари тайёрланяпти, амалдаги қонунлар, Фармон, қарор ва давлат дастурлари ижросини қатъий назорат қилиш механизмлари қайта кўриб чиқилляпти.

✓ 2015 йилда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ташаббускорлик ҳуқуқи асосида 8 та қонун лойиҳасини киритган бўлса, унинг 7 тасида «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзолари иштирок этди. 2016 йилда 11 қонун лойиҳасидан 8 тасида, 2017 йилда 27 та қонун лойиҳасидан 20 тасида, 2018 йилда 23 та қонун лойиҳасидан 19 тасида, 2019 йилда 17 та қонун лойиҳасидан 10 тасида фракция аъзолари фаол қатнашган.

✓ Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Миллий тикланиш» ДП фракцияси томонидан парламент сўровлари ҳам юборилган. Жумладан, 2017 йил 30 ноябрда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисига «Туризм тўғрисида»ги Қонун ижроси юзасидан юборилган парламент сўровига келган жавоб юзасидан Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида тегишли қарор қабул қилинди.

✓ 2019 йил 1 майда Бош вазир ўринбосари А. Абдуҳакимовга «Баркамол авлод» болалар бадий ижодиёт марказлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» парламент сўрови юборилди ва унинг жавоби юзасидан Қонунчилик палатаси ялпи мажлисида тегишли қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БЕЛАРУСЬ – ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШМА ТАРМОҚЛАРАРО АМАЛИЙ ТЕХНИК КВАЛИФИКАЦИЯЛАР ИНСТИТУТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

таълим ва фаннинг узлуksизлиги ва узвийлиги ҳамда жаҳон таълим ва илмий ҳамжамиятига интеграциялашиш ҳисобига мутахассислар ва илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш; илмий-педагогик салоҳиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш, педагогик технологиялар ва таълим усулларини фаол такомиллаштириш;

ишлаб чиқариш тизимларида тежамкорлик, ишончлилик ва барқарор фаолиятни оширишга йўналтирилган, машинасозлик, механика, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, биотехнология, метрология ва стандартлаштириш ҳамда саноят ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларида илмий тадқиқотлар ўтказиш, инновацион лойиҳаларни амалга ошириш;

таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам интеграцияси учун шароитлар яратиш;

таълим ва илмий-техникавий соҳаларда хорижий мамлакатларнинг етакчи таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ва бизнес ҳамжамиятлари билан узок муддатли муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

3. Белгилансинки: **Ислол Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети** Институтнинг таъсисчиси (кейинги ўринларда — таъсисчи), **Беларусь миллий техника университети ва Республика касб-ҳунар таълими институти** (Беларусь Республикаси) Институт фаолиятини ташкил этиш иштирокчилари (кейинги ўринларда — иштирокчилар) ҳисобланади;

Институт Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлиб, юридик шахс мақомига эга бўлган давлат муассасаси шаклидаги олий таълим муассасаси ҳисобланади;

Институт олий малакали мутахассислар ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш билан шуғулланади;

Институт ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширади;

Институтнинг таълим фаолияти **2020/2021 ўқув йилдан бошланади**;

Институтга абитуриентлар, тадқиқотчилар ва тингловчиларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Беларусь Республикаси Таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, таъсисчи ва иштирокчилар томонидан ўрнатилган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Институтдаги таълим **Ўзбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси давлат таълим стандартлари талабларига мувофиқ, таъсисчи ва иштирокчилар томонидан тасдиқланган таълим дастурлари бўйича рус тилида амалга оширилади**;

Институт битирувчиларига таълим якунлари бўйича Ўзбекистон Республикасида олий таълим тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олиннадиган **Беларусь миллий техника университетининг олий таълим тўғрисида белгиланган намунадаги дипломи** топширилади;

қайта тайёрлаш ва малака ошириш дастурларини ўзлаштирган тингловчиларга Ўзбекистон Республикасида тан олиннадиган

Беларусь Республикасининг ўрнатилган намунадаги ҳужжатлари (касб бўйича малака разряди берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, олий таълим даражасида қайта тайёрлаш тўғрисидаги диплом, малака оширганилиги тўғрисида гувоҳнома) топширилади.

4. Таъсисчи ва иштирокчиларнинг қуйидагиларни таъминлашда ёрдам беришлари маълумот учун қабул қилинсин: Институтнинг ўқув жараёнига илгор педагогик ва ахборот технологиялари, фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини жорий этиш;

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларини, стажировкаларини ташкил этиш;

Институт кутубхона фондиди шакллантириш ва замонавий ўқув, ўқув-услубий ва илмий-техник адабиётлар билан тўлдириши;

5. Қуйидагилар: **Беларусь — Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институтида мутахассислар тайёрлаш бўйича асосий бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) рўйхати** 1-иловага мувофиқ;

Беларусь — Ўзбекистон қўшма тармоқлараро амалий техник квалификациялар институти Васийлик кенгашининг таркиби (кейинги ўринларда — Васийлик кенгаши) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Маълумот учун қабул қилинсинки, Васийлик кенгаши Институт ривожланишига қўмаклашувчи жамоатчилик бошқарувининг олий органи ҳисобланади.

Белгилансинки, **Васийлик кенгаши қуйидагиларга қўмаклашади**:

Институтнинг техник ривожланиши ва самарали фаолият юритишини таъминлаш учун молиявий қўмак, бюджетдан ташқари маблағларни жалб этиш;

талабаларнинг малакавий амалиётларини Беларусь Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқариш қорхоналарида ўташ;

Институт ходимлари ва талабаларининг истиқболли дастурлари ва голярини амалга ошириш, илмий тадқиқотлар натижаларини амалиётга самарали татбиқ этиш;

профессор-ўқитувчилар ва ёш олимларга **халқаро илмий-техникавий маълумотларнинг ахборот-таҳлилий базасига киритилган журналларда, шу жумладан, “Scopus” ва “Web of science”** журналларида **илмий мақолалар чоп этиш**да, шунингдек, ўқув-услубий адабиётларни ишлаб чиқаётган, илмий тадқиқот ишларини олиб бораётган мутахассисларга, шу жумладан, уларни моддий рағбатлантириш орқали;

Институтда бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича қўшма, шу жумладан, икки босқичда амалга ошириладиган (биринчи босқич — талабаларни **бутун таълим жараёнининг биринчи ярмида Институтда, иккинчи босқич — бутун таълим жараёнининг иккинчи ярмида Беларусь миллий техника университетид**а ўқитиш) замонавий таълим дастурлари асосида кадрларни тайёрлаш.

7. Қуйидагилар Институт фаолиятини молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

Институтга ўқишга қабул қилинадиган талабалар умумий

сий сонининг 30 фоизидан ошмаган ҳолда, давлат грантлари асосида талабаларнинг ўқиши учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлари;

юридик ва жисмоний шахсларнинг хайриялари; давлат илмий-техник дастурларини амалга ошириш учун ажратиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

ташқи бегараз қўмак маблағлари (грантлар, техник қўмак ва бошқалар);

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Белгилаб қўйилсинки:

Институтнинг қабул параметрлари ва қўшма таълим дастурлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда, таъсисчи ва иштирокчиларнинг асосланган тақлифларига биноан, манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжлари асосида Васийлик кенгаши қарори билан тасдиқланади;

Институтда тўлов-контракт асосида таълим учун тўловлар миқдори Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таъсисчи томонидан, Беларусь Республикаси ҳудудида — Беларусь миллий техника университети томонидан белгиланади;

Институтнинг давлат грантлари асосида таълим олган битирувчилар Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари ва ташкилотларида **камид**а **уч йил ишлаб бериш шарт**и билан **ишга тақсимланади**;

Институт таъминотида бюджет маблағлари 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижтимоий соҳа бўйича тасдиқланган харажатлар параметрлари доирасида ажратилади, 2020 йилдан бошлаб эса мазкур соҳа учун хар йилги харажатлар параметрларида кўзда тутилади.

9. Қуйидагиларга: Институтнинг юқори малакага эга бўлган, ўқув-услубий таъминотни ишлаб чиқариш, махсус ускуналар билан ишлаш малакасига эга бўлган ходимларига Васийлик кенгаши қарори билан Институтнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан шахсий устам

аҳқа ҳақ белгилашга; имзоланган шартномалар асосида ўрнатилган тарифлар бўйича педагогик ва илмий ишлар учун тақлиф қилинган хорижий профессор ва ўқитувчиларнинг (шу жумладан, Беларусь Республикаси фуқаролари) меҳнатига ҳақ тўлаш, яшаш ва транспорт харажатларини Институт томонидан тўлашишига рўхсат этилисин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги уч ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига **2021 йилда Навоий шаҳрида Институтнинг** саноятнинг устувор йўналишлари, инжиниринг, технологиялар ва IT-дастурлаб бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлашга иxtисослашган **филиалини ташкил этиш** бўйича тақлиф киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Институтни жойлаштиришни таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2020 йил 1 августга қадар дастлабки босқичда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасаларини ривожлантириш жағғармаси маблағлари ва Васийлик кенгаши томонидан шакллантирилади-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Қ А Р О Р И

МАМЛАКАТДА БИЗНЕС МУҲИТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ Тўғрисида

(Давоми. Бошланishi 1-бетда).

Мамлакатимизда бизнес юритиш муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликка кенг эркинлик бериш борасида бошланган ислохотларини давом эттириш ҳамда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг жойларда тўри татбиқ этилишини таъминлаш мақсадига:

1. Барча даражадаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси ҳамда “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун талабларига **сўзсиз ривоя қилишлари шартлиги ҳақида қатъий оғохлантирилсин**.

Белгилансинки, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини, шу жумладан, объектларнинг қийматини баҳолаш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш масалалари юзасидан давлат органлари, шу жумладан, назорат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан ташаббус билан чиқиш **хусусий мулкнинг дахлсизлигини бузиш** сифатида баҳоланади ҳамда бундай ишлар **кўриб чиқиш учун қабул қилинмайди**.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик қатъий ривоя этилиши устидан назоратни кучайтирсин, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш ташаббуси билан чиқарилган учун ваколатли давлат органлари мансабдор шахсларининг муқаддар жавобгарлигини жиноий жавобгарликка тортишга қадар оширишни таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси **Қурилиш вазирлиги** (Зокиров), **Энергетика вазирлиги** (Султанов), **Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси** (Абдуллаев), **Марказий банки** (Нурмуратов), **Давлат активлари бошқариш агентлиги** (Бекенов) раҳбарларига қурилиш учун рўхсатномадан бериш, электр таъминоти тизимига уланиш, қўчмас мулкни рўйхатдан ўтказиш, кредит бериш ҳамда тўловга қобилиятсизликни ҳал этиш йўналишларидаги **ислохотларнинг амалиётга татбиқ этилиши етарли эмаслиги натижасида** “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботи тегишли индикаторлари бўйича мамлакатнинг рейтингдаги ўрни **пастиглигича қолаётганлиги кўрсатиб ўтилсин**.

Қориди кўрсатиб ўтилган вазирлик ва идораларнинг хар бирида соҳада амалга оширилаётган ислохотларни жойлардаги ижрочиларга етакзиш бўйича ишчи гуруҳлар тузилсин.

Мазкур ишчи гуруҳлар зиммасига **ислохотларнинг мазмун-моҳиятини жойлардаги ижрочиларга етакзиш ва тушунтириш, қонун ҳужжатларини нотўғри қўллаш амалиётини бартараф этиш**, жойларда тадбиркорларнинг фикрини мунтазам равишда ўрганиб бориш, тегишли орган томонидан қабул қилинган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ва уларга соҳада амалга оширилаётган ислохотлардан келиб чиқиб ўзгаришлар киритиш бўйича тақлифлар тайёрлаш ва-зифалари юклансин.

Ишчи гуруҳлари амалга оширилган ишлар тўғрисида **ҳар ой якунлари бўйича** Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига маълумот киритиб бorsiн.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **2020 йил 1 февралдан бошлаб**:

экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда талаб этиладиган рўхсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар ва сертификатлар “Ягона дарча” божхона ахборот тизими орқали расмийлаштирилади. Бунда ваколатли органларнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари “Ягона дарча” божхона ахборот тизимига интеграция қилинади;

фитосанитария, санитария-эпидемиология, ветеринария ва экологик назорат ўтказиш учун ундирилдиган тўловлар миқдори ваколатли органининг мазкур ҳужжатни бериш учун қилган харажатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан келишилган ҳолда белгиланади;

юридик шахслар томонидан давво аризаси ва унинг иловаларини жавобгар ҳамда иқтисодий судга солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон тарзда юбориш имконияти яратилади;

б) **2020 йил 1 октябрдан бошлаб** қуввати 140 киловаттгача бўлган электр ускуналарини электр тармоқларига улаш жараёнида сарфланадиган харажатлар тадбиркорлик субъектининг хо-ҳишига кўра, давлат хизматлари марказларига техник шартларни олиш учун мувожаат қилиш билан бир вақтда берилган сўровномасига асосан “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Мазкур маблағлар тадбиркорлик субъектлари фойдаланган электр энергияси қийматига қўшилидиган устамалар ҳисобидан бир йил давмида ундириб олинади.

4. **2020 йил 1 январдан қуйидаги талабар бекор қилинсин**:

тадбиркорлик субъектлари — юридик шахслар ўртасидаги қўчмас мулк олди-сотди шартномаларини тарафлардан бирининг талаби бўйича нотариал тасдиқланганда коммунал хизматлар бўйича қарздорликларни текшириб олиш;

давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчилар томонидан қўчмас мулкка бўлган хуқуқ давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг аризаси ҳамда қўчмас мулкка бўлган хуқуқни давлат рўйхатидан ўтказувчи органлар томонидан тегишли худудда жойлашган ер участкаси ва бошқа қўчмас мулк, унинг мулкдорлари тўғрисидаги маълумотни бевосита қоғоз кўринишда тақдим этиш;

мева-сабзавот ва тўқимачилик махсулотлари ва буюмларини экспорт қилиш (пахтадан ташқари) учун зарур рўхсатнома ва сертификатларни расмийлаштиришда тадбиркорлик субъектларидан тўлов ундириши.

5. **Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга доир “Йўл харитаси”** иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар қуйидагиларни назарда тутувчи Хукумат қарори лойиҳасини киритсин:

қурилиш-монтаж ишларини бошлаш учун тадбиркорлик субъектлари томонидан хабарнома юбориш тартибини бекор қилиш, марказлаштирилган манбалар ҳисобидан молиялаштирилдиган қурилиш объектлари бундан мустасно;

объектнинг эзилзига бардошлилиги ва ёнгин хавфсизлиги бўйича лойиҳа ҳужжатлари юзасидан ижобий экспертиза хулосаси ва қурилиш иштирокчилари тўғрисидаги маълумотни давлат хизматлари марказлари томонидан бир вақтда тадбиркорлик субъектлари ва худудий қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияларига объектни рўйхатдан ўтказиш учун юбориш;

объектлар бўйича ижобий экспертиза хулосаси мавжуд бўлмаганда қурилиш-монтаж ишларини бошлашни тақиқлаш, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

7. Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги Қурилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва Монополияга қарши курашиш қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда:

“Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти таркибига кирувчи ташкилотлар томонидан қўчманиши 110 кВ.гача бўлган электр қурилмаларини электр тармоқларига улаш билан боғлиқ қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишнинг муддатларини ва энг балан д қийматларини белгилашни назарда тутувчи ягона калькуляциясини тасдиқласин;

электр таъминоти тизимига уланиш жараёнида ҳужжатларни кўриб чиқиш, келишиш ва ишларни амалга ошириш билан боғлиқ тартибларни соддалаштириш ва муддатларини қисқартириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мева-сабзавот ва тўқимачилик махсулотлари ва буюмларини экспорт қилиш (пахтадан ташқари) учун зарур рўхсатнома ва сертификатларни расмийлаштириш билан боғлиқ ваколатли органларнинг харажатларини Экспортни рағбатлантириш агент-

лиги томонидан қоплаб бериш тартибини назарда тутувчи Хукумат қарори лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. “Узстандарт” агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, “Ўздавқарантин” инспекцияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 1 февралга қадар:

ваколатли органларнинг автоматлаштирилган ахборот тизимлари ва “Ягона дарча” божхона ахборот тизими платформасида танлаб олиш асосида фитосанитария, санитария-эпидемиология, ветеринария, экологик назорат ўтказиш ва мувофиқликни баҳолаш имконини берадиган алоҳида хавф-хатарларни таҳлил қилиш тизимларини жорий этишни яқунласин;

ваколатли органлар томонидан фитосанитария, санитария-эпидемиология, ветеринария ва экологик назорат ўтказиш учун шартномаларни оферта шаклига ўтказган ҳолда, хизматлар учун тўловларини электрон тарзда амалга ошириш имконини яратсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги:

икки ой муддатда юк ташувчилар томонидан юк ҳужжатлари маълумотларини ўз ичига олган дастлабки электрон ахборотни божхона идораларига тақдим этиш тартибини жорий этиш орқали божхона расмийлаштируви жараёнларини тезлаштириш чораларини кўрсин;

2020 йил 1 апрелга қадар манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидан катта ҳажми ва оғир вазнли юкларнинг ўтиши учун рўхсатномани расмийлаштириш жараёнлари ва тўловларини амалга оширишни электрон шаклга ўтказиш ишларини яқунласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази, Савдо-саноат палатаси, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ўч ой муддатда:

лицензиялаш ва рўхсатнома бериш тизимини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини танқидий қайта кўриб чиқиш, уларни замон талабларига мослаштириш ва тизимлаштириш;

лицензиялар ва рўхсатномаларни расмийлаштиришда талаб этиладиган ҳужжатларни хатловдан ўтказиб, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ҳамда уларнинг муқобил шаклларини, шу жумладан, хабардор этиш тартибини жорий этиш юзасидан тақлиф киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентиининг 2019 йил 5 февралдаги “Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг “Бизнес юритиш” йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4160-сон қарори билан белгиланган максадли курсаткичларга сўзсиз эришишга тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари **шахсан масъул эканликлари ҳақида оғохлантирилсин**.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон Фармони 3-илоvasида кўрсатилган халқаро рейтинглар индикаторлари бўйича **мамлакатимизнинг рейтинг кўрсаткичлари яхшилланганлиги ёки пасайганлигидан келиб чиқиб, вазирлик ва идораларга нисбатан рағбатлантириш ёки жазолаш чораларини қўллаш тартибин**и назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Савдо-саноат палатаси:

Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил, Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси би-

ган маблағлар ҳисобидан (зарур ҳолларда) Институтнинг бино ва иншоотларини таъмирлаш-тиклаш ва жиҳозлаш ишларини амалга оширсин ҳамда уни биринчи ўқув йили учун зарур бўлган мебель, инвентарь, компьютер ва бошқа оргтехника, ўқув адабиётлари ва кутубхона фонди билан таъминласин.

13. Институтга иккита, жумладан, битта шахсий бирикитрилган ва битта навбатчи енгил автотранспорт воситаларини сақлаш учун лимит ажратилсин.

14. Институтни реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, жиҳозлаш ва унинг фаолиятини таъминлаш учун белгиланган тарти

ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Репродуктив саломатлик масаласи халқаро миқёсда муҳокама қилинди

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Зайниддин Низомхўжаев бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси Найроби шаҳрида (Кения) бўлиб ўтган Аҳолишунослик ва тараққиёт бўйича халқаро конференциянинг (АТХК) 25-йиллигига бағишланган саммитда иштирок этди.

Кения ва Дания ҳукуматлари томонидан БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси билан биргаликда ташкил этилган юксак даражадаги форум АТХК ҳаракатлар режасини тўлиқ амалга ошириш учун сиёсий иродани намоён этишга ва молиявий ресурсларни жамлаш масалаларига қаратилди. Саммитда 179 та давлат делегацияси қатнашди. Унинг ишида аҳолини соғлиқни

сақлаш хизматлари билан кенг қамраб олишнинг бир қисми сифатида репродуктив саломатлик ва ҳуқуқлардан универсал фойдаланиш, бунинг учун етарлича молиялаштиришни таъминлаш, жаҳонда иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва барқарор тараққиётга эришиш учун демографик хилмаҳилликдан фойдаланиш, хотин-қизларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, нотинч минтақаларда ҳам гуманитар

ҳолатни сақлаб қолиш каби масалалар муҳокама этилди. Ўзбекистон делегацияси аъзолари ўз нутқларида мазкур йўналишларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлар ҳақида жаҳон ҳам-жамиятини хабардор қилди. Қайд этилганидек, Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ҳаракатлар стратегияси асосида аҳоли турмуши сифатини тубдан ошириш ва юксак муваффақиятларга эришиш бўйича кенг қўламли илохотлар олиб борилмоқда. Бунда сиёсий ва иқтисодий модернизациялаш, демократик давлат ва адолатли жамият барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъмин-

лаш бош мақсад қилиб қўйилган. 2019 йилда фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, гендер тенгликни таъминлашга қаратилган қонунлар қабул қилиниши бу борада муҳим қадамлардан бўлди. Усирилар ўз репродуктив саломатлиги хусусида етарли билимга эга бўлиши учун мактабларда соғлом турмуш тарзи ҳақидаги дарсларни жорий қилиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда. Тадбирда гендер тенглик, репродуктив саломатлик, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари ва халқаро конференция дастурининг бошқа мавзулари юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати материаллари асосида М. КАРИМОВА тайёрлади.

ТАШАББУСКОР ЁШЛАР УЧУН ЮКСАК РАҒБАТ

Илму иқтидори, интилувчанлиги ва ташаббускорлиги, ҳалол ҳамда самарали меҳнати билан Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўйиш, юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олиш чинакам мардликдир.



Бугун — «Мард ўғлон» давлат мукофоти таъсис этилган кун

Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган «Мард ўғлон» давлат мукофоти ана шундай истеъдодли ва фидойи ёшларни рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 28 июндаги қарорига мувофиқ, ушбу юксак мукофот билан 28 нафар мард ўғлон тақдирланди. Улар орасида «Навоий конметаллургия комбинати» давлат корхонасининг Марказий кон бошқармаси цех муҳандиси Давронбек Номозовнинг ҳам борлиги ишлаб чиқариш соҳасида меҳнат қилаётган ёшларга эътиборнинг ёрқин намунаси бўлди.

Иноваторлик ва рационализаторлик фаолиятига қизиққан ёш муҳассис иш билан бирга, илмий изланишлар ҳам олиб боради. Бир неча маротаба «Иновация» халқаро илмий-амалий анжуманида муваффақиятли иштирок этди. 2017 йилда «Иллинг энг фаол ёш мутахассиси» қўриқ-танловининг «Энг фаол ёш энергетик» но-

минациясида ғолиб бўлган Давронбек комбинат ишчи-хизматлари ўртасида ўтказилган «Илнинг энг яхши иновацион ва рационализаторлик тақлифи — 2018» қўриқ-танловидан ҳам фахрли 1-ўринни қўлга киритган.

Шу кунгача Давронбекнинг учта рационализаторлик тақлифи комбинат бўлиналари-нинг саннат объектларида ишлаб чиқаришга муваффақиятли таътиб этилди. Натижада 200 миллион сўмга ққин маблағ тежаб қолинди. Ташаббускор йигит ўзи ишлаётган цехда энергия тежамкор ресурсларни қўллаш бўйича изланишларини давом эттирмоқда.

— Юртимизда ёшларнинг ҳаётида ўз ўрнини топиши учун барча имконияти яратилган, — дейди Давронбек. — Изла-ниб, интилиб, иқтидорини намоён қиламан, деган ёш хар томонлама қўлаб-қувватланмоқда. Бу имкониятдан унумли фойдаланиб, салоҳиятимизни кўрсатишимиз фарзандлик бурчимиздир.

Азамат ЗАРИПОВ.

Кун воқеалари

қисқа сатрларда

• Давлат божхона қўмитасининг Божхона институтида божхона соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

• Миллий гвардия Қорақалпоғистон Республикаси бўйича бошқармаси томонидан «Темир йўл транспортида гаровга олинганларни озод қилиш бўйича бўлиналари» такомиллаштириш бўлигида махсус-тактик ўқув машғулотлари ўтказилди.

• АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган Маршалл чемпионатида ҳамюртимиз Жўрабек Ҳамроқулов голибликни қўлга киритди.

• Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетидан Бутунжаҳон телевидение кўнига бағишланган «Барқарор тараққиёт мақсадида журналистика таълими» мавзусида II Марказий Осиё семинари бўлиб ўтди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

НОРМА ИЖОДКОРЛИГИ ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ҳар бир ижтимоий муносабат қонун нормалари билан тартибга солиниши ҳуқуқий демократик давлатнинг асосий белгиси ҳисобланади. Шу маънода, мукаммал, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни ҳаётга татбиқ қилиш жамият юқалишини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Президентимизнинг 2018 йил 8 августдаги Фармони билан Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинган, у юртимизда бу бахда янги даврни бошлаб берган эди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўтказилган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини амалга ошириш бўйича Комиссия йиғилиши

ана шу долзарб масалага бағишланди. Қонунчилик палатаси Спикери раислигида ўтган мажлисда депутатлар, Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, илмий-эксперт доира вакиллари ҳамда ОАВ ходимлари қатнашди. Йиғилишда амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминла-

нишини такомиллаштириш мақсадида ишлаб чиқилган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуннинг янги тахрирдаги лойиҳаси муҳокама қилинди. Бу ҳужжатнинг қабул қилиниши давлатимиз раҳбари белгилаб берган устувор вазифалар асосида юртимизда сифатли қонунчилик базасини яратиш учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор бўлиши таъкидланди. Президентимиз томонидан илгари сурилган «Қонунлар ёпиқ эшиклар ортида қабул қилинмайди» деган олижаноб гоёнинг рўёби мазкур қонун лойиҳаси юзасидан ўтказилган муҳокама-

ларга илмий-экспертлар, амалиётчи ҳуқуқшунослар жалб қилинишида ҳам ўз аксини топди. Бу лойиҳада эндиликда қонун ҳужжатларини қабул қилишнинг асоси ва тартиб-лари, қонунчилик ҳужжатларини тартибга солиш доираси аниқ белгиланмоқда. Унга қўра, қонун билан тартибга солинадиган масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатларини қабул қилишга йўл қўйилмайди. Тадбирда Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни юридик-техник жиҳатдан расмийлаштириш бўйича Ягона услубий қоидаларни амалиётда қўлланилиши натижа-

ри ҳам муҳокама қилинди. Қайд этилганидек, норма ижодкорлигининг замонавий тамойилларини жорий этиш бугунги давр талабидир. Тахлилларга қўра, ҳуқуқий экспертизага келиб тушган 1 806 та ҳужжатдан 930 таси Ягона услубий қоидалари талабларига жавоб бермаган. Шундан келиб чиқиб, Ягона услубий қоидаларини янги тахрирдаги қонун лойиҳасига илова сифатида қонун билан тасдиқлаш комиссия аъзолари томонидан маъқулланди. Комиссия йиғилишида қонун лойиҳаси билан боғлиқ яна қатор долзарб масалалар кўриб чиқилди. Якунда қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқиш жараёнида шу фикр ва тақлифларни инобатга олиш лозимлиги таъкидланди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

TransLogistica
UZBEKISTAN
ТРАНСПОРТ ВА ЛОГИСТИКА
16-халқаро кўргазмаси
2019 йил 20 — 22 ноябрь
Тошкент, «Ўзэкспомарказ»
Ташкилотчи: **ITESA** ONLINE РЎЙХАТДАН ЎТИНГ
Кўргазмага фақат соҳа мутахассислари тақлиф этилади!

«Микрокредитбанк» АТБнинг
71 филиалида мавжуд асосий воситаларни
2020 йил 1 январь ҳолатига қайта баҳолаш бўйича танлов эълон қилинади.
Мазкур танлов давлат рўйхатидан ўтган, тегишли лицензияга эга баҳоловчи ташкилотларни аниқлаш мақсадида ўтказилмоқда.
Танлов муддати жорий йилнинг 25 ноябрига қадар амал қилади.
Маълумот учун куйидаги манзилга мурожаат этинг: 100096, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй.
Тел.: 71-202-99-99, ички (1068), 97-779-62-45.
Хизматлар лицензияланган.

securex
Uzbekistan
ҚЎРИҚЛАШ, ХАВФСИЗЛИК ВА ЁНҒИНГА ҚАРШИ ҲИМОЯ
11-халқаро кўргазмаси
2019 йил 20 — 22 ноябрь
Тошкент, «Ўзэкспомарказ»
Ташкилотчи: **ITESA** ONLINE РЎЙХАТДАН ЎТИНГ
Кўргазмага фақат соҳа мутахассислари тақлиф этилади!

«C and H Industry» МЧЖ ХК
Volvo Construction Equipment va SDLG корхоналарининг
Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий дилерлик фаолиятини юритиб келмоқда ва куйидаги махсус қурилиш техникаларини тақлиф қилади:
Ғилдиракли экскаваторлар (ковши ҳажми 0.3 кубдан 1.1 кубгача), занжирли экскаваторлар (ковши ҳажми 1.0 кубдан 3.0 кубгача).
Шунингдек, SDLG (Хитой Халқ Республикаси) корхонаси VOLVO GROUP таркибига кириб, экскаватор-юклагичлар, фронтал юклагичлар, автогрейдерлар ва катокларни ҳам ишлаб чиқаради.
VOLVO махсус қурилиш техникалари
Ғилдиракли экскаваторлар Занжирли экскаваторлар
SDLG махсус қурилиш техникалари (Volvo Group таркибига кириди)
Фронтал юклагичлар Экскаватор-юклагичлар Автогрейдерлар Катоклар
Тақлиф этилаётган барча техника учун кафолат муддати тақдим қилинади. Техник хизматлар кўрсатиш маркази ва эҳтиёт қисмлар омбори мавжуд.
Тўлов шартлари: пул ўтказиш, лизинг.
Манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Ўзғариш» ҚФЙ, Белариқ маҳалласи, 712-уй. Тел.: 90-123-77-77, 71-252-50-03.
(Мўлжал: «Турон» автосалони). www.motoblok.uz t.me/motoblokuz
Махсулотлар сертификатланган.

Ушбу жойда **СИЗНИНГ** рекламаниз бўлиши мумкин эди!
Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamax@mail.ru, reklama@xs.uz

«Халқ сўзи»даги Реклама
Бизнесингизни қўлаб-қувватлайди!

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1156. 45 955 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун ОА-хотини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Ташриятга келган қўлаб-қўйилган тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг эътибор берилгани учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов,
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.55 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5 6